*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 5 сўм.

1993 йил 13 январь, чоршанба № 9 (21.363).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ:

# ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТОТУВЛИК

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



12 январь куни Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Далип Мехта мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди. **(ЎзА).**

**ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

**ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ**

## ДАЛИП МЕХТА



1942 йил 28 июнда туғилган. Маълумоти олий, тарих соҳасида магистр даражасига эга.

Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида 1967 йилдан бери ишлайди.

1967—1969 йиллар — БМТда Ҳиндистоннинг доимий вакили, Женева

1969—1971 йиллар — Ташқи алоқалар вазирлигида ишлаган, Янги Деҳли

1971—1974 йиллар — Ҳиндистон элчихонасининг биринчи котиби, Прага (Чехославакия)

1975—1977 йиллар — Ҳиндистон элчихонасининг биринчи котиби, Тимпу (Бутан)

1977—1982 йиллар — Ташқи алоқалар вазири, Янги Деҳли (Покистон, Афғонистон ва Эрон бўлимлари)

1982—1986 йиллар — Ҳиндистон элчихонаси вакилининг ўринбосари, Париж (Франция)

1986—1992 йил декабрь ойи — Ташқи алоқалар вазири, Янги Деҳли (шимолий бўлим раҳбари, кейинроқ расмий маросимлар бошқармаси (протокол бошлиғи)

1992 йил ноябрь ойидан бошлаб — Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Оилали, бир қизи бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.**

● КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## МЕҲР ЧАШМАСИ

**Соябонинг мустаҳкам бўлса,**
**Бошинг доим омон бўлгай.**

Ўз халқини севган подшоҳ уни асраб-авайлайди, эъзозлайди, бағрига олади, кўнглини кўтаради. Бунга жавобан фуқаро ҳам ўз юртбошисини меҳр чашмаси билан суғоради, унга жонини, қўйингки, борини беришга тайёр туради.

Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қўнғироқ қилиб, табриклаб, бизнинг жамоага катта бахт, муваффақиятлар тиладилар, оилаларингиз тинч бўлсин, ғам кўрмасин, бахтли ҳаёт кечиринглар, дедилар. Мен бўлсам, бизнинг бахтимиз вожиб бўлиши учун худойи таоло Сизнинг халқ учун фидойи бўлган жонингизни омон қилсин, тиним билмай ишлайдиган ақл-заковатингиз бир умрга завол кўрмасин, халқимиз — юртимизни Оллоҳ ўзи ёмонлардан асрасин, оқу қорани танитадиган теран фикрингизнинг тиниқлигига кўз тегмасин, бунчалик талотўп замоннинг дам-бадам ўзгариб турадиган аҳволига бардош берибгина қолмай, балки уларни жиловлаб, халқимиз манфаати учун йўналтира оладиган асабларингиз пўлатдан ҳам мустаҳкамлансин, бутун бир халқимиз бахтига азиз бошингиз соғ-омон бўлсин, дедим.

Президентимиз бўлса, юртимиз тинчлиги, халқимизнинг тотувлиги ҳар қандай хавф-хатарни енгажаклигини, бу эса келгусидаги фаровон ҳаётнинг таъмини эканлигини ишонч билан гапириб, бунинг асосида хорижий давлатлар билан бўладиган кафолатли иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланажагини таъкидладилар. Мен эса халқимиз иккиланиш даврини босиб ўтганлигини, Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли ҳақлигига ишонч ҳосил қилганлигини айтиб, шундай шароитда ҳам одамлар руҳи тетиклигини, Янги йилни яхши ниятлар билан қаршилаганлигини сўзлаб бердим.

Юртбошимизнинг қўнғироқларидан бошим осмонга етган эди. Халқ ичида бўлиб тинчлигимиз ва осойишталигимизни 1992 йилда яратиб берган инсонга энг оддий кишилар, яъни мен жуда кўп учрашиб турадиган қариялар ва деҳқонларнинг миннатдорчиликларини, дуоларини қайси сўзлар билан ифода этиб беришга тилим ожиз эди.

Ислом ака: «Тинчлигимиз — халқимиз донолигининг маҳсулидир, унинг келажакка ишонч билан қарашидадир» деб менга яна бир бор халқимизга бўлган юксак меҳрини изҳор этди.

Суҳбат сўнгида Президентимизга маҳаллалардаги халқимизнинг ҳаётини, уларнинг турмушларидаги қийинчиликларию, хурсандчиликларини сўзлаб бердим. Ҳар бир сўзимни диққат билан эшитган суҳбатдошим «Халқимиз учун қанча қилсак ҳам оз», дедилар.

Мен у кишига яна бир бор ўз миннатдорчилигимни билдириб хайрлашар эканман, дунёда шундай меҳрибон, бағри кенг, инсонпарвар кишининг шу оғир кунларда юртимизга раҳбарлик қилаётганидан беҳад севиниб, Ҳизр назар солган бу инсонга узоқ умр тилаб қолдим.

**А. ҒУЛОММАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Халқаро муҳандислик академиясининг мухбир аъзоси.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси Фарғона вилоятининг 444-Чекшўра сайлов округидан ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 1993 йил 10 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссиясининг баёнини кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 21 ва 49-моддаларига мувофиқ мазкур округдан сайланган Фарғона шаҳрида яшовчи, Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси халқ депутати **Мухторов** Авазхон Мухторовични рўйхатга олди.

### ДЕЛЕГАЦИЯ ДЕҲЛИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов бошчилигидаги партия делегацияси Ҳиндистон Республикаси Бош вазири, Ҳиндистон Миллий Конгресси (И) партияси Раиси Нарасимха Раонинг таклифига биноан 12 январь куни Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.**

● *ИЛДИЗИ БИР ХАЛҚЛАРМИЗ*

## ДОРИЛОМОН КУНЛАР КЕЛАДИ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви шу минтақада яшовчи халқларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишидан далолат беради. Келиб чиқиши, илдизи бир бўлган халқлар бир-бирларига елкадош бўлишга, мавжуд иқтисодий қийинчиликларни ҳамжихатликда енгиб ўтишга қарор қилдилар. Айниқса республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг учрашув якунига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида билдирган фикрлари ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур ўрин олди.

Дўстлик дунёдаги энг буюк неъматдир. Фақат ҳамжиҳатлик, тотувликкина бизни иқтисодий бўҳронлардан олиб чиқади. Мен ишлаётган жамоада 17 миллат вакили меҳнат қилади. Жуда аҳилмиз. Тўй-маъракаларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. Сен ўзбек, мен қозоқ деган гаплар йўқ. Бундай тотувликка ҳавас қилса арзийди.

**Боғдат АБДИЕВА,**
**Тахиатош шаҳар нон маҳсулотлари комбинати ишчиси.**

Вулқон ЧЎТУР:

## ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

**● Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган тарихий учрашувида ушбу минтақа мамлакатларининг тараққиёт йўлига чиқиб олиши учун ғоят муҳим келишувга эришилди. Шу сабаб минтақада яшовчи халқларгина эмас, жаҳондаги дўст мамлакатлар аҳли ҳам бу анжуман якунларига юксак баҳо бермоқда. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чўтур анжуман якунлари ҳақида мухбиримизга қуйидаги фикрларини билдирди:**

— Туркия мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этишга имкон берадиган Марказий Осиё халқларининг бундай ҳамдўстлиги ва ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди. Чунки Ҳамдўстлик доирасидаги муносабатларнинг ривожланиши унга аъзо бўлган давлатлар учунгина эмас, улар билан ҳамкорлик қилаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам бирдек фойдалидир. Учрашувнинг муҳим аҳамияти шундаки, унда Марказий Осиёдаги яқинда мустақиллигини қўлга киритиб, ўзини тутиб олишга интилаётган давлатлар раҳбарлари ҳеч бир ихтилофсиз умумий фикрга келдилар. Марказий Осиё давлатларининг муаммоларни тезроқ бартараф этиб, қудратли бўлиши бизни қувонтиради.

Бу анжуманда Тожикистон Республикасининг иштирок этиши, айниқса, фойдали бўлди, деб ўйлайман. Зеро, дўст давлатлар халқларининг ёрдами билан бу заҳматкаш юрт халқининг ҳам тезроқ барқарор тинчликка, фаровонликка эришиши мумкин бўлади.

Туркия ахборот воситалари Тошкентда бўлиб ўтган бу муҳим учрашувга ғоят катта қизиқиш билан қараб, уни кенг ёритдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, учрашувда эришилган аҳдномаларнинг бажарилиши мазкур минтақадаги давлатларнинг халқаро майдондаги обрўсига обрў қўшади. Келгусида Марказий Осиё ҳамдўстлиги минтақа давлатлари иқтисодиётининг жаҳон интеграция жараёнига тезроқ қўшилиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

(ЎзА).

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғиб қилгани, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишга қаратилган тадбирлар ижросини матбуотда изчил ва ҳозиржавоб ёритгани учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

**Жўраев** Маҳмуд — бўлим мудири

**Тўлаганов** Эркин — бош корректор

**Қаюмов** Мирғиёс — бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари

**Ғофуров** Обиджон — масъул котиб.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 12 январь.

**Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий фирмалар билан алоқалари кенгайиб боряпти. Яқинда яна бир шундай ҳамкорлик сари қадам қўйилди. Нукус шаҳрида Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан Қорақалпоғистон Республикаси биргаликда ташкил этган «КАТЕКС» корхонаси ишга тушди. Бу ерда замонавий ускуналар ўрнатилиб, болалар ички кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилди.**

**Суратда: қўшма корхона тикувчилик ва бўёқ цехи бошлиғи Шукуржон Иемберганова Туркиянинг «Язекс» фирмаси вакиллари Тамара Қалекова ва муҳандис Озжон Раҳмон билан тикув дастгоҳини кўздан кечиришмоқда.**

**Э. БОТИРОВ олган сурат.**



## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

11 январь куни Ўзбекистонда Қорақалпоғистон маданияти кунларини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси М. Қорабоев бошқарди.

Мажлисда маданият кунлари дастури ва рамзи ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар. бу санъат кўриги иккала халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб таъкидладилар.

Ўзбекистонда Қорақалпоғистон маданияти кунлари 25 январь куни Алишер Навоий номидаги санъат кошонасида тантанали равишда очилади.

(ЎзА).

● *МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ*

# КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ...

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ БОТИР МАҲМУДОВ БИЛАН СУҲБАТ**

**— Ҳурматли Ботир МАҲМУДОВИЧ, вилоят ҳокимининг Янги йилга мўлжалланган дастури вилоят меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Суҳбатимизнинг бошида шу ҳужжатнинг пайдо бўлиши ҳақида гапириб берсангиз.**

— Дастуримизнинг бош илҳомчиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси якунлари ва унда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўзлаган лўнда, ёрқин ва сермазмун нутқидир. Биз ўзимизнинг асосий ҳаракат ва кураш йўлимизни шулардан келиб чиқиб белгиладик. Бу — биринчидан.

Иккинчидан эса, бутун республикамиз, шу жумладан бизлар ҳам аста-секин, босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтаётирмиз. Ҳўш, бозор иқтисоди нима? Бу саволга содда қилиб, жавоб берадиган бўлсак, бозор иқтисоди дегани бу — энг аввало кўрпага қараб оёқ узатиш, демакдир. Яъни ҳамёнга қараб кўчага чиқиш деган гап. Бу ўринда ҳамённи биров тўлдириб бермайди, уни, яъни ақчани ўзимиз ишлаб топишимиз керак. Бизни бойитадиган, танти, мард ва қўли очиқ, айни пайтда меҳрибон қилиб қўядиган ўша ақчани топиш учун даврдан ортда қолмайдиган даражада тиришиб-тортишиб ишлашимиз керак. Бизнинг дастуримиз ана шу йўлдаги содда, ҳам аниқ-равшан қилиб тузилган режалардир.

Дастурнинг одамлар ўртасида қизиқиш уйғотаётганига келсак, бу ҳам бежиз эмас. Аввало, ҳаммамиз келажакка умид билан яшаймиз. Эртанги ҳаётимизнинг бугунгидан яхши бўлишини орзу қиламиз. Иқтисодий танглик ҳукм сураётган, нарх-наволар ошиб бораётган ҳозирги дамларда эртанги кунга бўлган умид айниқса муҳим омиллардан бўлиб қолаётир.

Бошқа томондан эса дастурни белгилашда биз биринчи бор янги йўлдан, яъни одамларнинг ўзлари билан маслаҳатлашиш, бўлажак ишларимиз, орзу ва ўйларимиз ҳақида уларнинг ўзларидан эшитиш ва шунга қараб режа тузиш, ҳали юқорида айтганимиздек, оёқ узатадиган кўрпамизни бир аниқлаб олиб, шунга яраша иш қилиш йўлидан бордик.



Халқ билан маслаҳатлашиш ибораси янги эмас. Бу гапни кимлар ишлатмади ва кимлар уни суиистеъмол қилмади, дейсиз. Лекин халқ ҳам анойи эмас. Ким уни алдаяптию—ким унга рост гапни айтяпти — тезда англаб олади.

Биз янги йилдан олдин ва ундан кейин кенг меҳнаткашлар оммасининг вакиллари, фаолларимиз билан қатор учрашувлар ўтказдик. Дастлабки кенгашимиз саноатчилар билан бўлди. Кейин зиёлилар билан фикр алмашдик. Сўнгра банк, бошқарув тизимларининг ходимлари, ундан кейин қурувчилар билан кенгашиб олдик. Яқинда қишлоқ хўжалик, яъни агросаноат ходимлари билан маслаҳат ўтказдик. Ундан кейин эса Халқ демократик партияси фаоллари билан, сўнгра касаба ва ёшлар уюшмаси вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, қўйингки, вилоятимизда яшаб меҳнат қилаётган ёки қарилик гаштини сураётган аҳолининг деярли барча қатлами бу йилги маслаҳат кенгашига қамраб олинди, десак муболаға бўлмас. Деярли ҳар бир мулоқотда 400—500 кишига яқин вакиллар қатнашдилар. Жами учрашувларимиз ўнтадан ошганини эътиборга олсак, деярли 4000 га яқин киши бугунги дастуримиз тузилишининг бевосита иштирокчилари сифатида фаол қатнашдилар. Шунингдек, дастуримизнинг асосий йўналишлари вилоят Кенгаши сессиясида кўриб чиқилиб атрофлича муҳокама этилди.

**— Дастурнинг бош йўналишлари қайси муаммолар ечимига қаратилган?**

— Биз учун муаммоларнинг бирламчи-иккиламчиси йўқ. Вилоятимизнинг табиий шароити, аҳволи шундаки, биз учун ҳамма масалалар аҳамиятли, ҳамма иш бирламчи. Лекин шундай бўлсада, кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз бор. Агар шуларни тезлик билан юргизиб олмасак, қолган асосий ишларимизга йўл очилмай қолиши турган гап. Шунинг учун ҳам 1993 ва ундан кейинги йиллар учун учта асосий йўналишни белгилаётирмиз. Булар— биринчиси — қишлоқни, аниқроқ қилиб айтсак қишлоқ хўжалигини, умуман қишлоқ ҳаё-

(Давоми учинчи бетда).

●

**МУАЛЛИФ ҲАҚИДА**

**Ботир МАҲМУДОВ 1941 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз қишлоғида туғилди. УзХДП аъзоси. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ва олий партия мактабини битирган. Ўзбекистон Халқ депутати.**

**Институтни битиргач, Ховос локомотив депосида ишлаган, сўнгра Янгиер комсомол қўмитаси биринчи котиби.**

**Сирдарё вилояти партия қўмитасида саноат-транспорти бўлими йўриқчиси, партиявий-ташкилий ишлари бўлими мудири ўринбосари, Гулистон шаҳар партия қўмитаси биринчи котиби, Сирдарё вилояти партия қўмитасининг котиби, вилоят халқ назорати қўмитаси раиси, 1990 йилдан халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши ижроия комитети раиси, 1992 йилдан Сирдарё вилояти ҳокими.**

## «Ўзбекистон — Ватаним менинг» конкурсига



● МУСТАҚИЛЛИК НАШИДАСИ. В. ПАНОВ олган сурат

● *Сиз нима дейсиз, муштарий?*

# ПАЙҒАМБАР ЁШИ МУБОРАК

Яқинда Пахтачи ва Нарпай туманлари газеталарида 40 йил муҳаррирлик қилган Исмоил Иброҳимовнинг юбилейи бўлди.

— Қариликни-ку тан олмайман ҳали, аммо ўзимизга тўн ва дўппи ярашганини шу бугун сездим, — дейди Иброҳим ака ҳазил мутойиба билан. — Замона шундай экан, деб уйда ҳам, ишда ҳам костюм-шим ва шляпа кийиб юравериб миз. Ҳатто бугун қишлоқ оқсоқоллари энди пайғамбар ёшига тўлдингиз, бизнинг сафимизга қўшилдингиз, галстукни ечиб қўйинг, деб ҳазиллашишди.

Камина айтмоқчики, ҳар хил юбилейларни йиғиштириб қўйиб, ўзимизнинг пайғамбар тўймизни ўтказаверсак қандай бўларкин? Чунки бу тадбирнинг ўзиёқ кексаларимизга салобат, вазминлик бағишлайди.

Назаримда биз кейинги пайтларда умримиз дафтарини безаш ўрнига, уни қизил шиорлар билан тўлдиришга берилиб кетдик. Яқинда бир дўстим 40 ёшга тўлган кунини юбилей қилиб нишонлади. Туғилган кун деган касаллик тарқалган. Самарқанд телевидениеси бунинг учун ҳар куни 2—2.5 соат вақт бағишлайди. Ҳатто бир-икки ёшга тўлган гўдакларни туғилган куни билан табриклашади. Ваҳолонки, ота-боболаримиз бешик суннат ва никоҳ тўйидан бошқасини ортиқча деб ҳисоблашган. Мен Ҳадис ва бошқа бир қатор тарихий рисолаларни варақлаб, бу тадбирнинг ўтказилганлиги ҳақида маълумот топа олмадим.

Мулоҳазаларим Пахтачи туман ҳокими Абдуҳаким Қаландаровга ҳам маъқул тушди.

— Ҳақиқатдан ҳам тантаналар кўпайиб кетди, — деди у киши. — Ёмони шундаки, оилавий тадбирлар ҳам ичимликсиз ўтмайди. Агар биз пайғамбар тўйини йўлга қўйсак, юбилейлар сал тартибга тушармиди. Чунки рисолага кўра бу тадбирда арақ қўйилмайди. Даврага беибо раққосалар таклиф этилмайди. Дастурхонга ош тортилиб, бир пиёла чой устида суҳбат қурилади. Хонандалар ҳеч қандай микрофонсиз ашула айтишади.

...Ана, қишлоқда тўй бўлаяпти. Пайғамбар тўйи. Отахон бошга дўппи, эгнига тўн кийиб, қўлини кўксига қўйиб келганлардан табрик қабул қилмоқда.

— Пайғамбар ёши муборак бўлсин!

Қани энди бу гапларни тез-тез эшитиб турсак...

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон овози
ХАРЧИНОМА

БАРС САВДО УЙИ
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
*танлов асосида*
малакали иқтисодчилар, ҳисобчилар, банкда ишлаб тажриба орттирган мутахассисларни юқори ҳақ тўланадиган ишга
таклиф этади
45-91-46

Жамғарма банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЛАҲЗАЛИК ЛОТЕРЕЯСИ

ЭНГ КАТТА ЮТУҚ — 10.000.000 СЎМ!



10 000 000 ВА 5 000 000 СЎМЛИ ЮТУҚ ЭГАЛАРИ ХОРИЖ ФИРМАЛАРИНИНГ АВТОМОБИЛЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛАДИЛАР. 25 000 ДАН 1 000 000 СЎМГАЧА ЮТУҚ ЧИҚСА, ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАНГАН ВИДЕОАППАРАТЛАР, ТЕЛЕВИЗОР, МУЗЛАТГИЧ ВА БОШҚА МОЛЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА ХАРИД ҚИЛА ОЛАДИЛАР.



ЮТУҚҚА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТИ КАТТА — ҲАР УЧИНЧИ БИЛЕТГА ЮТУҚ ЧИҚАДИ.

ҚИЙМАТИ 100 СЎМ БЎЛГАН БИР ЛАҲЗАЛИК ЛОТЕРЕЯЛАР БИЛЕТЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ҲАМДА ЖАМОАТЧИ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА

*Лотерея шартлари ҳақида батафсил ахборотни — лотерея билетлари сотилаётган жойлардаги афишалардан —54-26-31, 33-51-95, 45-35-49 телефонлари орқали билиб олишингиз мумкин.*

Ўзбекистон «ЭКОСАН» экология ва саломатлик фонди * «ВОСТОК» фирмаси * Жамғарма банки

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 15 январда чиқади).



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

● РЕДАКЦИЯЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14. Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16. Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16- 31-11-49. Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83, 32-53-06. Ахборот — тижорат хизмати — 32-54-14. Қабулхона — 32-55-15.

● УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда—4-48-85, Бухорода—3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04. Вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

*

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонларни кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чегараланмайди.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Тиражи — 150764 нусха. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—21.35.

Г—07 №9. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.